2006 ЙИЛ, 21 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (10.786)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорликда Нукусда ўтказган амалий анжумани аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланди. Анжуманда давлатимизнинг мураккаб экологик шароитда яшаётган Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсати туфайли сил касаллигидан муҳофаза этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

● Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кунга 15 йил тўлиши муносабати билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Байроғим — ғурурим» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Андижонда «Камолот» ЁИҲнинг вилоят бўлими конференцияси бўлиб ўтди.

● Бухорода Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти ҳамкорлигида стоматологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

● Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон шаҳрида Тиббиёт ходимлари куни арафасида Абу Али ибн Сино боғи қад ростлади. Янги оромгоҳ бағрида қўғирчоқлар дўкони, ошхона, болалар ўйингоҳи, дорихона каби масканлар мавжуд.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Халқаро талабалар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

● Россия Федерациясида жорий йилнинг 31 декабрига қадар Ўзбекистондан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига имтиёзли божлар жорий этилди. Бу ўзбекистонлик тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини етказишлари борасида харажатларни пасайтиришда ҳам ўзига хос омил бўлмоқда.

ЖАҲОНДА

● Россия федерал хавфсизлик хизмати подполковниги ва «Горец» махсус отрядининг собиқ бошлиғи Мовлади Байсаров Москвада ўлдириб кетилди. Айтиш керакки, «Горец»нинг собиқ раҳбари яқинда қасддан ўлдирилган россиялик журналист аёл Анна Политковскаянинг қотиллари ва Чеченистонда одам ўғирлашлар ҳақида судда кўрсатма беришга тайёр эканлигини айтган эди.

● Вьетнам пойтахти Ханойда бўлиб ўтган Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида Россия ва АҚШ икки томонлама келишувга эришди. Бу келишув Россия учун Бутунжаҳон савдо ташкилотига йўл очади.

● Деҳлида Афғонистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга бағишланган икки кунлик халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистоннинг жанубий қўшниларидан делегациялар иштирок этди.

● Чеченистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учта нефть қудуғи портлатиб юборилишининг олдини олишди. Гап шундаки, қўриқлаш хизмати ходимлари қудуқлар ёнида текширув олиб боришаётганида қудуқларга соат билан ишлайдиган қўлбола портловчи ускуна ўрнатиб кетилганини пайқаб қолишди.

● Буюк Британия ички ишлар вазирлиги мамлакатдаги ноқонуний мухожирлар сонини қисқартиришга қаратилган кенг қамровли кампанияни бошлади. Эндиликда иммиграция хизмати ходимлари ноқонуний мухожирларнинг мамлакатга кириб келишига ёрдам кўрсатган британияликларни ҳам ҳибсга олиши мумкин бўлади.

● Кеча Германиянинг Эмсдеттен шаҳридаги мактабларнинг бирига кирган қуролланган ниқобли жиноятчи бир неча ўқувчи ҳамда ҳомиладор ўқитувчини гаровга олган ҳолда қуролли тажовуз уюштирган. Натижада икки ўқитувчи ва олтита ўқувчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Бирмунча муддатдан сўнг босқинчи ўзини ўлдирган. Дастлабки маълумотларга кўра у ушбу мактабнинг собиқ ўқувчиси экан.

● Италиядан АҚШга йўл олган «Либерти» кемаси кеча Флорида портига кириб келди. Қизиғи шундаки, кема бортидаги 700 нафар сайёҳнинг барчаси ўткир ичак инфекцияси касаллиги билан хасталанган. Ҳозирда кеманинг барча йўловчиларига тегишли тиббий ёрдам кўрсатилиб «Либерти»да дезинфекция ишлари олиб борилмоқда.

● Жорий йилнинг 17 ноябридан Германиядаги барча дўконлар ҳафтасига олти кун давомида кечаю кундуз ишлаш тартибига ўтди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 22 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ва кундузи 1 даража совуқ билан 1 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ



«КАМОЛОТ» ҲАЁТИМИЗ МАЪНОСИГА АЙЛАНСИН

УШБУ ФИКР ҲАРАКАТНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТГАН КЎПЧИЛИК ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН БИЛДИРИЛДИ

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбек Миллий академик драма театрида бундан беш йил аввал ёшларни бирлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш бошлаган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги қурултойи олдидан «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Ўтган икки ярим йиллик сарҳисобни таҳлил қилишга бағишланган ушбу конференцияда 277 нафар делегат, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари, шунингдек, турли соҳа мутасаддилари бўлмиш кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Маълумки, бошланғич ташкилотлар Ҳаракатнинг негизи саналади. «Камолот» ЁИҲ зиммасига юклатилган вазифаларнинг барчаси айнан бошланғич ташкилотлар орқали амалга оширилади, — деди жумладан шаҳар Кенгаши фаолияти юзасидан ҳисоб берар экан «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Муроджон Мажидов. — Бугунги кунда шаҳримизда 705 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Лекин шу ўринда жойлардаги бошланғич бўғинларнинг аксарияти таълим муассасалари ҳисобига тўғри келишига эътиборни қаратадиган бўлсак корхона ва ташкилотлардаги ёшлар билан олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмаслигини кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтдаги 329 та корхонанинг атиги 88 тасида бошланғич ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА**дан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ўрнини янада ошириш мақсадида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида семинар машғулотлари бошланди. **БУГУН** ўтказилган семинар машғулотларида Конституциянинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Республика Дизайн коллежида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан уюштирилган «Япония — ўзбекистонлик болалар нигоҳида» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

● **БУГУН** «Пахтакор» марказий стадионида 1-15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтказиладиган Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган, 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эстониялик тенгқурлари билан ўртоқлик учрашувида куч синашишади.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги 264-мактабда «Баҳор» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳамкорлигида фаоллар, ёшлар, туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари иштирокида уюштирилган давра суҳбати ёнғин хавфсизлигининг олдини олиш чораларига бағишланди.


● **ЎТГАН** куни «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг талабалар турар-жойларида спортнинг шашка, шахмат, стол тенниси, волейбол, баскетбол, енгил атлетика турлари бўйича талабалар ўртасида уюштирилган мусобақалар Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА МИЛЛАТ ЭРТАСИ, БУЮК ДАВЛАТ КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯЛИ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ШУ МАЪНОДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯҚИНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАМ ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ИСТИҚЛОЛ ВА КОНСТИТУЦИЯ



МАМЛАКАТИМИЗДА КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ 14 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, БУГУН ЖАМИЯТИМИЗДА ҚАНДАЙ ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРГА ЭРИШАЁТГАН БЎЛСАК, БУЛАРНИНГ ПОЙДЕВОРИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗ – БУЮК ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ ТУРИБДИ.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан Конституциямизнинг аҳамияти, Асосий қонунимиз белгилаб берган мақсадларга эришиш йўлида юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самаралари ҳақида суҳбатлашдик.

—Ҳар бир давлатнинг Конституцияси аввало унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради, — дейди Б.Мустафоев. — Шу маънода, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон халқининг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган Асосий қонунимизда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилгани, айниқса, катта тарихий воқеадир.

Конституциямиз, унинг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатни, қонунийликни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил давлатимиз Конституциясини яратишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига қатъий амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг Конституция яратиш тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топди. Қардошлик ва дўстлик анъаналари, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам унда муҳим ўрин тутади.

Истиқлолнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда барча соҳаларни ўзига қамраган кенг кўламдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида жамиятни либераллаштириш билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилашни ўз зиммасига олгани боис, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш учун улкан имкониятлар яратилди. Тараққиёт кафолати сифатида сўз эркинлигига, сиёсий ва иқтисодий эркинликларга кенг йўл очилди. Натижада давлат ва жамият ҳаётида ғоятда муҳим аҳамият касб этувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар фаоллашуви вужудга келди.

— Конституция ва иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар. Шу икки тушунча ўртасидаги узвий боғлиқлик нималар мисолида янада яққол намоён бўлади?

— Асосий қонунимизнинг 53-моддасида белгиланганидек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Бугунги кунда Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ҳаётимизнинг барча томонларини демократлаштириш ва жамиятимизни янгилашнинг, мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ишончли ва истиқболли шериги деб билаётган жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнларининг қудратли ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, мамлакат иқтисодиётида унинг салмоғи кўпайишини таъминлаш, тадбиркорлик учун янада қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, давлат тузилмаларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини чеклаш бўйича тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Булар қаторида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисоботлар тақдим этиш тизимларининг, рухсат бериш тартибларининг соддалаштирилиши ҳамда текширишларнинг қисқартирилишини, ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилишини, молиявий жавобгарликнинг эркинлаштирилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самараси туфайли фақат шу йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари 7,3 фоизни ташкил этди. Экспорт кўрсаткичлари 12 фоиз кўпайиб, ташқи савдо ижобий сальдоси 1,2 миллиард АҚШ долларига етди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури бўйича 281 объект хусусий мулк сифатида сотилди.

Ўтган даврда бир қатор янги ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан, тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Замонавий темир йўллар, автомобиль йўллари, кўприклар, йўлўтказгичлар фойдаланишга топширилди. 545,9 миллион доллар миқдорида хорижий инвестиция ва кредит жалб этилиши натижасида бир қанча йирик қўшма корхоналар лойиҳалари белгиланган муддатда ниҳоясига етказилди.

Кўплаб ижтимоий объектлар, жумладан, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, турар жойлар, шунингдек, боғ ва хиёбонлар бунёд этилди. Кам таъминланган оилаларга қорамол харид қилиш учун 27,6 миллиард сўм ажратилди. Ҳомийлар маблағлари ҳисобига салкам 28 минг кўп болали оилага бепул қорамол берилди. Аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан 20,1 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 33,8 фоиз ўсди. Республика бўйича 438 минг янги иш ўрни яратилди.

(Давоми 2- бетда).

Обуна —2007

ҲАФТАДА БЕШ КУН — «ОҚШОМ» БИЛАН!

Тошкент оқшоми

Вечерний Ташкент

Қадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.

40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун «теша тегмаган», «тахи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёркин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Вақт ғанимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.

ИСТИҚЛОЛ ВА КОНСТИТУЦИЯ

(Давоми. Боши 1- бетда).

Бу факт ва рақамлар замиридаги ютуқларимизнинг барчаси юртимиз ободлигини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасига, таъбир жоиз бўлса, Бош қомусимиз тўла амалда эканига мисоллардир.

— Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Конституциянинг мазкур қоидаси ҳаётимизда нечоғли ўз ижобатини топмоқда?

— Ушбу конституциявий қоида ва Асосий қонунимизда мулк шаклларининг дахлсизлиги, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бошқа муҳим қоидалар туфайли жамиятда янги қатлам — хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари шаклланмоқда. Жумладан, кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўтган йилнинг 9 ойи мобайнида 34,3 фоизни ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич жорий йилнинг шу муддатида 39 фоизга етди.

Адлия вазирлиги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг маркази томонидан амалга оширилган тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий базанинг тизимли ва комплекс таҳлили ҳозирги кунда бу соҳада Конституциямиз негизида ишлаб чиқилган 1397 қонун ҳужжати амалда эканини кўрсатди.

Ҳа, тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий база ниҳоятда салмоқли. Хўш, бу қадар кўп сонли ҳужжатларни унинг ижрочилари ва ўз навбатида, ижрони назорат қилувчи мутасаддилар қанчалик ўзлаштирган? Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нечоғли амал қилинмоқда?

Вазирлигимиз мутахассислари шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказдилар. Сўровда 2 минг 800 нафар ўзаро тенг нисбат асосида жалб қилинган тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари иштирок этди.

Сўров натижалари бир қатор муҳим хулосаларга келиш имконини берди. Жумладан, барча респондентларнинг 80 фоизидан ортиғи тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши маълум бўлди ва бу яхши натижа, деб ўйлайман.

Бироқ, тадбиркор-респондентларнинг деярли ярми ўз ҳуқуқий билими юзаки эканини, баъзи қонунлар матни мураккаблиги учун уларнинг моҳиятини тушунишда қийналишини, бу эса ўз навбатида уларга нисбатан турли даражадаги ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланишига сабаб бўлаётганини тан олганларки, келгусида тадбиркорларга имкон қадар мадад бўлиш учун бу йўналишларда ҳам жиддий иш олиб бориш тақозо этилади.

Тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан содир этилаётган қонунбузилишларнинг сабаблари ҳам таҳлил қилинди. Ижтимоий сўровда, жумладан, ўзи томонидан қонунбузарлик содир этилганлигини билдирган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларининг 26 фоизга яқини ўз хизмат фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатларининг ижро механизми етарли даражада ёритилмаганлиги оқибатида, 15 фоизи қонун ҳужжатларини бажариш мураккаблиги учун, 13 фоизидан ортиғи эса қонун ҳужжатлари талабларини билмаганлиги сабабли қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйганлигини кўрсатган.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг 61 фоизи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда давлат органларига, жумладан прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, судга мурожаат этишларини маълум қилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, сўров натижалари тадбиркорлар фаолиятига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирлари хусусида давлат хизматчилари ва тадбиркорларнинг фикри деярли бир хиллигини кўрсатди.

— Кейинги йилларда Президентимизнинг тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча Фармон ва қарорлари эълон қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг самараси қандай бўлаётир?

—Аввало, ушбу ҳужжатлар тадбиркорларимизга наинки катта ишонч бағишлагани, айни чоғда, мадад бўлгани, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтиргани ва кафолатлаганини таъкидлашни истардим. Эътироф этиш керак, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашувни чекловчи, текширишлар ўтказиш тартибини ҳамда текширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгиловчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўзининг ижобий натижаларини берди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларнинг мувофиқлаштирилиши, хусусий корхоналар, янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш даврийлиги бўйича чекловларнинг ўрнатилиши текширишлар сонини кескин камайтириш имконини яратгани, айниқса, аҳамиятлидир. Бу билан, бир томондан, тадбиркор, фермер, ҳунарманд том маънода ўз иши билан машғул бўлиши учун қулай шарт-шароит яратилди, иккинчи томондан, назорат органларининг турли текширишлар ўтказишида қонун бузилиши ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Мисол учун, адлия идоралари томонидан 2002 йилда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз ўтказилган 146 ноқонуний текшириш аниқланган бўлса, 2005 йилда атиги 3 марта шундай қонун бузилиши ҳолати қайд этилган, холос.

Ҳуқуқий таъсир чораларининг суд тартибида қўлланилиши тизими жорий этилганлиги туфайли турли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз таъсир чоралари қўлланилишининг олди олинган. Мазкур тартиб жорий қилинганидан буён хўжалик судларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларидан ушбу тоифадаги 30063 ариза келган ва шулардан 27,3 фоизи асоссизлиги ёки қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмагани сабабли рад этилган, тугатилган ёки кўриб чиқилмаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган бир қатор чоралар амалга оширилаётгани диққатга лойиқдир. Хусусан, адлия, давлат солиқ хизмати, давлат божхона хизмати, ички ишлар, санитария-эпидемиология назорати хизмати идоралари томонидан тадбиркорликка оид қонунчиликнинг ҳуқуқий тарғиботи юзасидан 2005 йилда 9124, 2006 йилнинг 9 ойи давомида 9183 ана шундай чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаоллиги тобора кучайиб бораётгани кузатилмоқда. Чунончи, 2005 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат солиқ, божхона хизматлари, ички ишлар, санитария назорати идораларига 31052 ҳолатда мурожаат қилинган ва шундан 95,8 фоизи қаноатлантирилган. Демак, тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини англаб, қонуний манфаатларини қандай ҳимоялашни ҳам тобора чуқурроқ тушуниб етмоқдалар.

Қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қатъий таъминлаш борасида адлия идоралари томонидан аниқ чоралар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2006 йилнинг 9 ойи давомида адлия идораларига тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 9511 шикоят ва ариза келган. Бу мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича 7164 тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Ишонч телефонлари орқали мурожаат этган 573 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилган давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан 3404 тақдимнома, 2130 огоҳлантирувчи хат ва 176 кўрсатма киритилди, 1846 ноқонуний қабул қилинган қарор бекор қилинди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 3233 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 246 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. 310 нафар шахс маъмурий ҳамда 76 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Хусусий мулк эгаларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш мақсадида судларга 41,4 миллиард сўмлик ва 215 минг АҚШ доллари миқдорида 15446 даъво аризаси киритилди. Шундан 27,7 миллиард сўмлик ва 149,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги 13334 даъво аризаси судлар томонидан тўла қаноатлантирилди.

Хўжалик муносабатларида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, томонларнинг тенг шартларда ва ўзаро жавобгарлик асосида муносабатга киришишини таъминлаш мақсадида адлия идоралари ходимларининг бевосита иштирокида 2006 йил давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 83584, мева-сабзавот, полиз, узум, картошка маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 58831 ҳамда 2007 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон етказиб бериш юзасидан 82120 контрактация шартномаси тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги ишлар мунтазам давом этадиган жараён. Бунда соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш билан бир қаторда, мавжуд ибратли миллий амалиётни мунтазам такомиллаштириб бориш, энг муҳими, ҳар доим Конституция қоидаларига сўзсиз риоя қилиш талаб этилади.

Асосий қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Конституциямиз Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, шунингдек, ижобий ўзгаришлар жараёнига асос қилиб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун» тамойили давлат бошқарувини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни янгилаш борасидаги кенг қамровли ислоҳотларимиз учун бош мезон бўлиб қолаверади.

ЎзА мухбири
Ғулом МИРЗО
суҳбатлашди

Иқтисодиёт

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА КИЧИК КОРХОНАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАН. ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ҲАМ УШБУ СОҲАДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ТАЛАЙГИНА.

2001 йилда иш бошлаган «Даврон Аҳмад ўғли» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси шубҳасиз, улар орасида муносиб ўринга эга. Мазкур фирмада бугунги кунда 20 нафар малакали бичиқчи, моҳир дизайнчи, қўли гул чеварлар ҳамда тажрибали усталарнинг касб маҳоратидан буюртмачилар мамнун. Корхона аҳли асосан махсус иш кийимларини тикиш билан шуғулланган боис, юртимиздаги кўплаб йирик компания, ташкилот, муассаса, фирмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўттиздан ортиқ касб эгаларига мўлжалланган махсус иш кийимларининг сифатли тикилиши билан бирга, буюртмалар қисқа муддатларда бажарилади. Изланишлар натижаси ўлароқ, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқган ҳолда иш кийимларига шу ернинг ўзида махсус қўлқоп, бош кийим ҳамда бошқа қўшимча аксессуарлар тавсия этилади. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, жамоа аҳли ҳимоя костюмлари, махсус моддаларга тўйинтирилган матолардан ҳам моҳир дизайнчилар ёрдамида бежирим, қулай иш кийимлари тикишни йўлга қўйишган.

Цехлардаги замонавий, юксак самарали тикув машиналари моҳир тикувчиларга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

«MAKIZ» САВДО БЕЛГИСИ БИЛАН

ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА ЙИЛДАН-ЙИЛГА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. РАҚОБАТ КУЧАЙГАНИ САРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТОВАРЛАРНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИ ОШИШИ ҲАМ ШУБҲАСИЗ. ШУ ЙЎЛДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «MAKIZ BARAKA» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАМ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.

Бугунги кун харидорининг талаб-эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда иш юритаётган корхона аҳли сифатга асосий эътибор қаратиб пойтахтимизнинг деярли барча савдо нуқталарига «MAKIZ» савдо белгиси остидаги сифатли, хушхўр макарон маҳсулотларини сотувга чиқармоқда. Қувонарлиси, ҳамма маҳсулотлар Украина ва Италия давлатларидан келтирилган жаҳон андозалари даражасидаги юксак унумли дастгоҳ ва ускуналарда тайёрланмоқда ҳамда қулай, бежирим қадоқланиб мижозларга етказиб берилмоқда. Ранг-баранг турдаги чиройли, хушташ макарон маҳсулотлари учун асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади, шу боис ҳам уларнинг нархи нисбатан арзон. Корхона тадбиркорлари тинмай изланишда, улар янгидан-янги маҳсулот турларини яратиш устида ишламоқдалар.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ТОБОРА КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ КУН САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА. ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, РЕСПУБЛИКАМИЗ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ЧЕТ ЭЛЛАРДА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ОЧИБ БЕРИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида журналистлар билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда агентлик мутасаддилари томонидан журналистларга, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.


—Давлатимиз томонидан меҳнат миграцияси масалаларига катта эътибор қаратилиб, республикамизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бошлиғи Ғофуржон Усмонов.

—Агентлик зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республикамиз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Корея Республикасининг ваколатли ташкилотлари билан узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Агентликнинг Корея Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамда Корея Қурилиш уюшмаси билан ҳамкорлик доирасида республикамиздан минглаб фуқаролар Кореяда саноат стажировкаси тизими бўйича ишга юборилмоқда. Ҳозирги кунгача агентлик томонидан Корея Республикасига 15000 нафардан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари касб-ҳунар ўрганиш ва ишлаш учун юборилган. Фуқароларимиз меҳнат қилиш шартларига кўра ётоқхона ва кунига уч маҳал овқат билан бепул таъминланадилар. Шунингдек, фуқароларга тиббий суғурта, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан ҳамда иш ҳақининг вақтида тўланишини суғурталаш кўзда тутилган. Бугунги кунда агентлик томонидан республикамиз фуқароларининг хорижда меҳнат фаолиятларини амалга оширишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида Малайзия, Япония, Россия Федерацияси, Польша ва Қозоғистон давлатлари билан яқиндан музокаралар олиб борилмоқда. Бундан ташқари республикамиз фуқароларининг ривожланган мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга оширишларини таъминлаш учун Янги Зеландия, Австралия, Испания ва Италия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича таклифлар юборилган бўлиб, мазкур давлатлардаги меҳнат бозорида хорижий ишчи кучига бўлган талаб, иш берувчи корхоналардаги меҳнат шароитлари, Ўзбекистон фуқароларини ушбу мамлакатларга юборишнинг имкониятлари ва ҳуқуқий жиҳатлари ўрганиб чиқилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Қиш тайёргарликни ёқтиради

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎЛИДА





КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ГЎЗАЛ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПОЙТАХТЛИКЛАР ҲАМДА УНИНГ МЕҲМОНЛАРИНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛИБ НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ, ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ТАЪРИФУ-ТАСНИФ БЕҲИСОБ. ҚУВОНАРЛИ ТОМОНИ, КЎЧАЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ, РАВОН, ОЙДИН ЙЎЛЛАРИМИЗ, МУСТИ МАҲКАМ, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ КЎПРИКЛАР ШАҲАР ИЧИДА ҲАМДА ТАШҚАРИСИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МУНТАЗАМ ҲАРАКАТИ, ЙЎЛОВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШИ УЧУН КАТТА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТМОҚДА. БУ БОРАДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ЖАМОАСИНИНГ ҲАМ КАТТА ҲИССАСИ БОР. ҚИШ — СИНОВ ДАВРИ ЭКАНЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, МАЗКУР УЮШМАНИНГ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИГИ, ШУ МАҚСАДЛАРДА ЮРИТИЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ ХУСУСИДА УЮШМА МУТАСАДДИЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК ҲАМДА ЖАМОАНИНГ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА БЕРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛМОҚДАМИЗ.

Қиш фасли бошқа фасллардан фарқли ўлароқ алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Шу боис ҳам қировли, ёғин-сочинли, аёзли кунларда барча соҳа ходимлари қатори уюшма жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида аниқ режалар асосида пухта ҳозирлик кўрди. Тошкент шаҳар хўжалигини 2006-2007 йилларда кузги-қишки мавсумга тайёрлаш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан уюшмада буйруқ чиқарилди. Ўтган йилги қишки даврда йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ташкилий-техник тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра уюшма таркибига кирувчи барча тармоқ корхоналарда амалга оширилиши лозим бўлган режалар тузилди.

Ҳозирги кунда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тасарруфида «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси (10 та автобус саройлари, 1 та махсус автокорхона, 1 та йўналишли такси автокорхонаси, 5 та такси саройи, 3 та «Мерседес-Бенц» сервис хизмат кўрсатиш марказлари), «Тошэлектртранс» Давлат компанияси (1 та трамвай, 1 та троллейбус, 1 та трамвай-троллейбус деполари, метрополитен, инфратузилма хизматлари — йўл хизмати, шаҳар электр транспортига хизмат кўрсатиш шўъба корхонаси), «Тошремсервис» акциядорлик компанияси (2-Автосозлаш заводи» ва 2 та таъминот хизмати — «Транстаъминот» очиқ акциядорлик жамияти, «Фаворит-автохизмат» масъулияти чекланган жамияти) мавжуд бўлиб, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадларида 128 та автобус, 36 та йўналишли такси, 8 та трамвай, 10 та троллейбус йўналишларида иш юритишмоқда. Иш кунларининг тиғиз соатларида 1196 та кўп ўринли автобус ва мўъжаз автобуслар, 98 та трамвай ва 88 та троллейбуслар белгиланган йўналишларга чиқарилади. Йўналишлар узунлиги автотранспорт бўйича 2785 километр, трамвайлар йўли 150,2 километр, троллейбуслар йўли 199,9 километрни ташкил этади. Бундан ташқари, бир кечаю кундузда 120 дан зиёд давлат такси автомобиллари йўловчилар хизматида. Метрополитен 29 та бекатдан иборат бўлиб, 3 та йўналиш 39 километрни ташкил этади.

Иссиқлик сув тизими, бино ва иншоотларни профилактик таъмирлаш ишлари режа бўйича бажарилди. Электрускуналар, алоқа тармоқлари, двигателларни ишга туширишни осонлаштирувчи воситалар, сувни иситиш, автобусларни буғ билан иситиш тизими профилактик таъмирланди. Ёнилғи қуйиш шохобчаларини профилактик таъмирлаш, сиғимларни тозалаш, технологик ускуналарни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қозонхоналарни қишки даврга тайёрлаш ишлари бажарилди, керакли миқдорда суюқ қозонхона ёнилғиси йиғилди. Умумий сарф 587 тонна бўлиб, ҳозирги кунда режа тўла уддаланди.

Уюшма ҳайдовчилари, айниқса, қишки мавсумда биринчи марта ишлайдиганлар билан қўшимча йўриқномалар ўтказилди. Корхоналардаги ишлаб чиқариш нуқталари, маъмурий бинолар, цехлар таъмирдан чиқарилди. Уюшма таркибидаги корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда раҳбарлик қилиш мақсадларида штаб тузилди. Мазкур штабнинг кўчма мажлисларида жадвал бўйича тармоқ корхоналарида белгиланган ишларнинг бажарилиши назорат қилиб борилди.

Шу кунгача уюшма жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан жами 1776 та автомобиль, жумладан 1429 та автобус, 120 та трамвай, 115 та троллейбусларнинг техник, санитария, ички ва ташқи ҳолатлари тартибга келтирилди. 176 та метро вагонлари сентябрь ойида мавсумий текширувдан ўтказилди. Бундан ташқари, уюшмага қарашли 68 та шохбекатларда ҳам кенг кўламда ишлар қилинди. Яъни, «Сергели-7», «2-Тошкент Тиббиёт академияси», «Ўрикзор», «Изза», «Жанубий вокзал», «Қўйлиқ-2», «Амир Темур», «Аэропорт» шохбекатлари, «Ипподром» трамвай шохбекати нозимхоналари қурилиши, «Олой бозори», «Қорасув-1», «Юнгакий» шохбекатларида қурилиш-монтаж ишлари, Чилонзор тумани, 25-мавзедаги «Подмосковная» шохбекатида капитал таъмирлаш ҳамда нозимхонани қайта қуриш ишлари тўла тугалланди. Шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун керакли жиҳозлар, ҳайдовчиларга дам олиш, овқатланиш хоналари қайта қурилди. Қайта таъмирланган, қурилган шохбекатларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳозирги кунда пойтахтда Германиянинг Эво Бус ГмбХ «Мерседес-Бенц» компаниясининг «Мерседес-Бенц» О 345» русумидаги 578 та замонавий, кўркам, қулай автобуслари йўловчилар хизматида. Уларга сервис хизмати кўрсатиш маркази ташкил этилганда, автобусларни тайёрловчининг тавсиясига кўра техник кўрсаткичларни яхши сақлаш имконини бериши кўзда тутилган. Шунга кўра ҳозирда 163 та мазкур автобусларнинг босиб ўтган масофаси 1,0 миллион километрдан ошган бўлсада, улар капитал таъмирланмаган. Барча автобуслар 0,945 техник тайёргарлик коэффициенти билан ишламоқда.

Мавжуд айрим муаммоларга қарамай, уюшма корхоналари томонидан кузги-қишки мавсумда пойтахтимизда аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш ишларини юқори савияга кўтариш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоасининг келгуси истиқбол режалари ҳам катта. 2007 йил инвестиция дастурига кўра яна 300 та «Мерседес-Бенц Конекто С» русумли замонавий автобуслар харид қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирда эса шаҳримизда янги русумдаги «Евро-3» двигатели ўрнатилган автобус ҳамда «SPEKTR» русумли замонавий 2 та трамвай вагонлари тест синовларидан ўтмоқда.

Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишга астойдил бел боғлаган уюшма жамоасининг саъй-ҳаракатлари самарали бўлади, деб ишонамиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МУН ХАЁНГ:

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КАТТА ИСТИҚБОЛГА ЭГА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ МУН ХАЁНГ ЎЗА МУХБИРИНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИККА ДОИР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликда ахборот-коммуникация соҳасидаги алоқалар қандай ўрин тутади?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Ахборот-коммуникация соҳасидаги алоқалар икки томонлама муносабатларда ҳар доим муҳим ўрин тутиб келган. Айни пайтда ҳамкорликнинг ахборот технологиялари, малакали кадрлар тайёрлаш ва бошқа соҳаларда тажриба алмашиш каби шакллари ривожланмоқда. Мамлакатларимиз тузилган ҳужжатлар асосида бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. 1995 йилда коммуникация ва радиоэшиттириш соҳасида ҳукуматлараро битим имзоланган эди. 1996 йилда эса коммуникация тармоғини модернизация қилиш мақсадида қиймати 12,5 миллиард вонга тенг EDCF (Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси) лойиҳаси амалга оширилди.

2005 йилда Жанубий Кореянинг KIPA ташкилоти Ўзбекистон Республикасида таълим ва почта алоқаси хизматлари соҳасини ахборотлаштириш лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий асослаш ҳужжатларини тайёрлади. Лойиҳада кўрсатилаётган почта алоқаси хизматларини техник таъминлашни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ахборотлаштириш бўйича EDCF лойиҳасида Корея Республикасининг бу борадаги тажрибасини қўллаш, 1500 дан ортиқ мактабга 22 мингта компьютер етказиб бериш ва Мультимедияли таълим дастурларини ривожлантиришга доир марказ ташкил этиш кўзда тутилган. 2005 йилда KIPA ушбу лойиҳанинг техника-иқтисодий асосини ўрганиб чиқди, 2006 йилда Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки бунинг учун 29 миллион 600 минг АҚШ доллари ажратди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этишга оид лойиҳа эътиборга сазовор. Бу лойиҳа 2003 йилда Корея Республикасининг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан амалга оширилган эди. Унинг умумий қиймати қарийб 700 минг долларни ташкил қилади. Мазкур марказ ҳам давлат хизматчилари, ҳам оддий фуқароларга энг янги технологиялардан фойдаланиш имконини беради. Бу ахборот технологиялари соҳасида амалга оширилаётган самарали ҳамкорликнинг яққол мисолидир.

Ахборот технологияларини давлат бошқаруви, яъни электрон ҳукуматни ривожлантиришга жорий этиш ишлари ҳам биргаликда амалга оширилмоқда.

— Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида имзоланган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Кореянинг Алоқа ва ахборот вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми доирасида қандай тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган?

— Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиб, зарур инфратузилма, масалан электрон ҳукуматни шакллантиришга оид қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Айни пайтда икки мамлакат ҳукуматлари даражасида ҳуқуқий база яратилмоқда. Бу Жанубий Кореянинг технологик салоҳиятга эга етакчи компанияларига мазкур лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш имконини беради.

Менингча, коммуникация соҳасида хизматлар кўрсатиш шартлари ва янги кабелли коммуникация тармоғини ташкил этиш заруратини ҳисобга олиб, мобиль телекоммуникациялар ва Интернет алоқасини ўзида мужассамлаштирган WiBro (Wireless Broadband Internet) технологиясини ўзаро ҳамкорликда жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. WiBro технологияси кабел тармоғисиз тезкор интернет алоқа хизматлари кўрсатиш имконини беради.

Ушбу хизматнинг нархи арзон бўлиб, кўпгина давлатларда Mobile WiMax номи билан машҳур.

Ўзбекистон келгусида ахборот технологиялари соҳасида мамлакатларимизнинг ваколатли органлари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали рақамли шаклдаги янгиликларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни фаоллаштиради, деб ўйлайман. Шунингдек, Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасида фаолият кўрсатадиган Корея корхоналарини янада кўпайтириш режалаштирилмоқда.

— Ўзбекистонда ахборот технологиялари соҳасида амалга оширилган ишларни қандай баҳолайсиз?

— Бу борадаги ишларни юқори баҳолайман. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ахборот технологияларини ривожлантиришни биринчи даражали вазифалардан бири сифатида белгилади. Мамлакатингизда 2002-2010 йилларга мўлжалланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури қабул қилинган бўлиб, у муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ахборот технологияларидан барча жабҳаларда фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу электрон ҳукуматни (E-goverment) шакллантиришни, вазирлик ва идоралараро тармоқни ташкил этишни, электрон ҳужжатлардан фойдаланишни, ахборот технологияларини таълим соҳасига кенг татбиқ этиш ва почта хизматлари кўрсатишни ўз ичига олади.

Қисқаси, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари жуда катта, деб ўйлайман.

ЎзА мухбири
Э.ЮНУСОВ
суҳбатлашди

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

ҲИНДИСТОННИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН ҚИЛГАН КЕНГАШИМ



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Даставвал, фарзандларим ва амирларимнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш учун уларга маслаҳат солдим.

Амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгир[1]: «Агар Ҳиндистони олсак, унинг олтинлари билан бутун ер юзини эгаллаймиз», деди. Амирзода Муҳаммад Султон[2] эса: «Ҳиндистонни оламиз-у, бироқ [бунга] тўсиқлар бор: биринчиси— денгизлар, иккинчиси — ўрмону тўқайлар, учинчиси — тўлиқ қуролланган сипоҳийлар ва одамга ов қилувчи филлари кўп», деди. Амирзода Султон Ҳусайн[3]: «Агар Ҳиндистонни қўлга кирита олсак, тўрт иқлимга ҳукмрон бўлурмиз», деди. Амирзода Шоҳрух[4] деди: «Мен турк қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шоншавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб номларини атамай, лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар, Хитой ва Чину Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — хоқон, Эрону Турон подшосини - шаҳаншоҳ дейдилар. Шаҳаншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида [ҳам] жорий этиларди. Ҳозир Эрону Туронзамин бизнинг қўлимизда бўлгани учун, Ҳиндистонни ҳам фатҳ этмоғимиз лозимдир». Амирлар эса: «Борингки, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у ерда турғун бўлиб қолсак, наслимиз йўқолади, авлодларимиз ўз аслидан ажраб, тиллари ҳиндча бўлиб кетади», дейишди. Мен бўлсам, Ҳиндистонга юриш учун ҳиммат камарини белга боғлаганимдан ўз азму жазмимдан воз кечишни истамадим ва шундай жавоб қилдим: «Тангри таолога ўтинч билан мурожаат этайлик. Жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақида Қуръондан фол очайлик, Тангри таоло нени буюрса шунга амал қилгаймиз». Ҳаммалари менинг таклифимни маъқуллашди. Қуръони Мажиддан фол очсам, ушбу улуғ оят чиқди: «Эй пайғамбар, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳд қилгил»[5]. Уламо мазкур оятнинг мазмунини амирларга тушунтириб бергандан кейин, бошларини эгиб, жим бўлиб қолдилар. Уларнинг хомушлигидан дилим ранжиди.

Ўз-ўзимга кенгашиб, Ҳиндистонни забт этишга розилик бермаётган амирларни мансабларидан олиб, қўшинларини кутволларига топширсаммикан, деб ўйладим. Лекин ўзим тарбиялаган кишилар бўлганликлари учун, уларни хароб қилишни истамадим. Гарчи юрагимни қонга тўлдириб, эзсаларда, уларга мулойимлик кўрсатдим. Охири фикримга қўшилганларида, кўнглимда уларга нисбатан ғубор қолмади. Сўнгра қайтадан кенгаш чақириб, иқболимиз ҳонаси — Ҳиндистонга юзланиб зафару фатҳ дуосини ўқидим.

ҲИНДИСТОН ПОЙТАХТИ (ДЕҲЛИ)ГА ЛАШКАР ТОРТИШ БОРАСИДА ҚИЛГАН КЕНГАШИМ

Кобулда ўттиз минг жавонғор отлиқ аскари билан турган амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Сулаймон тоғи орқали юриб, Синд дарёсидан ўтгач, Мўлтон[1] вилояти устига тўсатдан босқин қилиб, уни забт этишни буюрдим. Султон Муҳаммадхон[2], амирзода Рустам[3]» ва бошқа амирларга ўттиз минг баронғор отлиқ билан Синд дарёсидан кечиб ўтиб, Кашмир тоғ этагидаги йўлдан юриб, Лоҳур вилоятига қўққисдан босқин қилишни буюрдим. Ўзим ғул[4] нинг ўттиз минг отлиқ аскарлари билан бўлдим. Ҳиндистон юришига жамланган лашкарлар умумий сони тўқсон икки минг отлиққа етган эди. Бу эса Оллоҳнинг ердаги элчиси Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам, исми шарифлари сонига тўғри келганлиги учун бу тасодифни истиқболнинг хайрли ва муборак фоллари сирасига киритдим.

Отланиб йўлга тушдим ва Бадахшон чегарасидаги Андароб деган жойга келиб тушдим. [Бу ерда бир неча кун турибман] Катур[5] тоғида истиқомат қилиб турган кофирларни енгдим. Уларга жазо берганимдан сўнг, дор ул-ҳарб[6] бўлмиш Ҳиндистон ғазоватига юзландим[7].

(Давоми бор).

---

*1 **Пирмуҳаммад Жаҳонгир-** (1376-1406). Амир Темурнинг набираси. Отаси Жаҳонгир вафотидан (1376) кейин у Кобул, қандаҳор, /азни, Балхни идора қилган.*

*2 **Муҳаммад Султон** – Амир Темурнинг набираси. Жаҳонгирнинг ўғли (1376-1403). Онаси Олтин ўрда хони ўзбекхоннинг(1312-1341) набираси Хонзода бегим бўлган. Амир Темур ўзига валиаҳд этиб тайинлаган. 1403 йили қора шаҳар (Туркия)да касал бўлиб ўлган.*

*3 **Султон Ҳусайн** – Амир Темурнинг қизи ўға бегим(Оқа Беги хоним, Тағайшоҳ)дан бўлган набираси. 1406 йили Нуширвон барлос тарафидан Зубайда боғида қатл этилган.*

*4 **Шоҳрух** - Амир Темурнинг кенжа ўғли (1377-1447), 1405 йилдан Хуросон ноиби. 1409-1447йилларда эса Темурийлар салтанати олий ҳукмдори*

5 Қуръони карим, 66-сура (Таҳрим сураси), 9-оят.

---

*1 **Мўлтон** –Покистондаги шаҳар.*

*2 ...**султон Муҳаммадхон** – хато бўлса керак, аслида султон Маҳмудхон(1388-1402) бўлиши лозим, Чиғатойхон авлоди, Амир Темур ҳукмронлиги даврида хон деб эълон қилинганлардан бири.*

*3 **Амирзода Рустам** (1381-1424) – Амирзода Умаршайхнинг ўғли. 1405-1408 ва 1415 йиллари Исфаҳон ҳокими бўлган. 1424 йили Исфаҳонда вафот этган.*

*4 **ул (ёки қул, қалб)** – лашкарнинг марказий қисми.*


*5 **Катур** – Ҳиндикушдаги тоғли вилоят, Кофиристон, Нуристон деб ҳам аталади.*

*6 **Дор ул-ҳарб**– (арабча «уруш уйи»), ислом динини қабул қилмаган мамлакатлар.*

7 Ҳиндистонга юриш 1398 йил апрель ойида бошланиб, 1399 йил апрель ойининг 27 сигача давом этган.

Ёшлар — келажагимиз

«КАМОЛОТ» ҲАЁТИМИЗ МАЪНОСИГА АЙЛАНСИН







(Давоми. Боши 1- бетда).

Бугунги кунда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши йигирмага яқин йўналишда фаолият олиб бормоқда. Булар албатта ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни Ватанимиз, халқимизга содиқ фарзандлар этиб тарбиялаш, баркамол ва соғлом бўлиб вояга етишларига қаратилган. Ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, ёш тадбиркорлар учун кредитлар олишда ёрдам бериш каби қатор соҳалар бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда, тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Шунга қарамай баъзи ҳолатларда жойларда ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларга турли ёрдамлар бериш борасида камчиликлар сезилмоқда. Ёшларни иш билан таъминлашда ҳам ҳаракатнинг сустлиги сезилмоқда.

Ўтган вақт ичида катта ишлар амалга оширилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Биргина «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» мавзуидаги кўрик-танловларга ёшларнинг катта гуруҳи қамраб олинган. «Камолот» ЁИҲ бугунги кунда тўлиқ шаклланди, уни кўпчилик ёшларимиз, қолаверса, жамиятимиз ҳам ёшларнинг йирик ижтимоий ҳаракати сифатида тан олди. Эндиги вазифа ҳаракат фаолиятини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқишдир.

Назорат-тафтиш комиссияси раиси Жасур Тўраев ҳам конференцияда сўз олиб, ўтган икки ярим йил вақт ичида қилинган ишлар бўйича комиссия ҳисоботини берди.

Шундан сўнг конференция иштирокчилари ва делегатлар ҳисобот ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва ташкилот фаолиятини ривожлантириш борасидаги таклифларини билдирдилар. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети талабаси, университет «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти раиси Сардор Жўрабоев бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш, етакчилар савиясини, ташаббускорлигини кўтариш, Исмоил Қулметов «Истеъдод» жамғармасини тузиш, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш, Умида Рашидова сайланадиган етакчиларнинг ҳар томонлама муносиб бўлишлари лозимлиги, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети талабаси Шаҳло Ҳошимова маҳаллалардаги ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақидаги бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар ва айтилган фикрлар қатнашчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

— Мақсадимиз ташкилотимиз фаолиятини қайта кўриб чиқиб, унинг Низом ва Дастурига замон талабидан келиб чиққан ҳолда зарурий ўзгартишларни киритиб, уни талаб даражасига олиб чиқишдир, — деди жумладан анжуманда сўз олган «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси Акром Алимов. — Токи ҳар бир ёш ўз муаммоларини ташкилот билан баҳамжиҳат еча олсин. Ютуқларимизни тан олиш билан бирга, камчиликларимизни тўғри тушуниб, келажакда уларни бартараф этишга барча саъй-ҳаракатларимизни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев Ҳаракат фаоллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга урғу бериб, дарҳақиқат, ўтган вақт ичида ташкилот фаолиятида сезиларли силжишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам кузатилганини қайд этди. Хусусан, шаҳримизда 474 та маҳалла бўлса, уларнинг ҳаммасида ҳам ёшлар масаласидаги ишлар талаб даражасида йўлга қўйилмагани таъкидланди. Мактаблар, коллеж ва лицейларда ҳам ҳаракат фаолияти жонлантирилиши лозим. Бу борада маҳалла оқсоқоллари ҳам, барча бўғиндаги раҳбарлар ҳам ёшларга кўмак беришлари керак. Зеро, тарбия аввало оиладан, маҳалла ва мактабдан бошланади. Корхона ва ташкилотларда ҳам бошланғич бўғинлар сони саноқлидир. Бу дегани бир томондан иш билан банд бўлган ёшлар муаммолари эътибордан четда қолаётган бўлса, иккинчидан, айнан ўсиб келаётган авлодни иш билан таъминлаш, уларнинг касбикорига бўлган қизиқишини ошириш масаласи ҳам муаммолигича қолмоқда. Хулоса шуки, биз, катта авлод вакиллари, шу жумладан раҳбарлар ҳам фарзандларимизни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялашдек масъулиятни ўз зиммамиздан иккинчи даражага суришга ҳақли эмасмиз.

«Камолот» ҳаракати олдида, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, фарзандларимизни тўғри йўлга — ҳидоят йўлига солиш, айрим ғўр ёшларимизни ҳатарли ва қалтис сўқмоқлардан қайтариш борасида ҳали кўплаб синов ва қийинчиликлар пайдо бўлиши табиийдир. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу ташкилотга раҳбар бўладиган кишилар, ёшлар ишонч билдириб сайлайдиган етакчилар ҳам юқорида қайд этилган масъулиятни ўз зиммаларига олишга қодир бўлишлари даркор. Ўз навбатида, уларни қўллаб-қувватлаш, кўзланган ягона мақсадлар сари ҳаракат қилиш, дарҳақиқат, барчамизнинг бурчимиздир.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Жумладан, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг янги таркиби тасдиқланди. Кўпчилик овоз билан ҳаракат етакчиларидан бири Азимжон Мирзажонов «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси этиб сайланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳар ҳисобот-сайлов конференцияси қатнашчилари ва анжуманда лавҳалар.

Ҳасан Пайдоев олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА, ЖУМЛАДАН, ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ СОҲАЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНАЁТГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАН ЭДИ.

Қарор ва ижро

ПОЧТА ХИЗМАТИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти тизимида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" ва 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида" қабул қилинган қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда. Зеро, ушбу ҳужжатларда почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, сифат ва ишончлиликни мустаҳкамлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга оид вазифалар белгилаб берилган.

Айни пайтда жойларда ана шу вазифалар ижросини бажаришга — почта алоқаси корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Почта хизмати бозоридаги рақобатбардошликни ошириш мақсадида электрон пул жўнатмаларининг автоматлаштирилган ахборот тизимини амалга жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди ва у вилоятлараро миқёсда кенг йўлга қўйилди, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари Сувон Нажбиддинов. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 427 миллион уч юз минг сўмдан зиёд электрон пул ўтказмалари амалга оширилди. Тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон-рақамли имзони қўллаш жорий этилди.

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти 2006 йилнинг январида Жаҳон почта иттифоқининг халқаро молиявий тармоғи орқали IFS Light тизимига уланди. Россия, Украина ва Тожикистон билан ҳамкорликда электрон пул ўтказмалари алмашинуви бўйича тест синовлари ўтказилди. Россия ва Украина почта маъмуриятлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, ахборот технологиялари ва алоқа соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини муваффақиятли бажариш мақсадида томонлар ўртасида электрон пул ўтказмалари алмашувини ташкил этиш ҳақидаги келишув лойиҳаси тайёрланди. Айни пайтда Беларусь, Арманистон, Озарбойжон ва Қозоғистон каби мамлакатлар билан ҳам электрон пул ўтказмаларини жўнатиш ва қабул қилиш бўйича ўзаро шартномалар лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида электрон пул ўтказмалари, Интернет, электрон почта, факс, ксерокопия, коммунал ва телефон тўловларини йиғиш, Интернет ва телефон карточкаларини сотиш хизматлари йўлга қўйилган. Маълумотларни узатиш тармоғи орқали даврий нашрлар ва ҳар хил товарларга буюртмалар қабул қилиш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш ҳамда уларни почта алоқасининг тегишли бўлимлари воситачилигида буюртмачиларга етказиб беришга хизмат қиладиган «Интернет магазин» сайти яратилди.

2006 йилнинг ўтган даврида 80 давлат билан халқаро почта жўнатмаларининг алмашинуви амалга оширилди. Республикамиз бўйича четга жўнатилаётган ёзма хат-хабарлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сал кам 56, посилкалар 34,8 фоизга кўпайди.

Почта алоқа бўлимларини замонавий талаблар асосида жиҳозлашга, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини янада яхшилаш ҳамда вақтли матбуот нашрларини муштарийларга ўз вақтида етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда турли русумдаги 38 автомашина, минг дона велосипед, кўплаб компьютер техникаси, электрон пул жўнатмалари мажмуи, металл детекторлар ва электрон ўлчов воситалари сотиб олинди.

Термиз, Қарши, Нукус, Фарғона ва Зарафшон шаҳарларида «Халқаро тезкор почта» филиалининг почта жўнатмаларини қабул қилиш бўлимлари иш бошлаган бўлса, пойтахтимизда филателия магазини очилди. Бундай дўконларни вилоятлар марказларида ҳам ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда юртдошларимизни мамлакатимиз ва хорижий давлатлар даврий нашрлари ва китоб маҳсулотларига 2007 йил учун обуна қилиш ишлари қизғин паллага кирди. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган даврий нашрларни истеъмолчиларга етказиб бериш тарифларига чегирмалар жорий этилди.

Жамият ривожини ахборот алмашинувисиз тасаввур қилиш қийин бўлган бугунги кунда, ушбу тизим ривожи йўлида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад юртимизда почта хизмати самарадорлигини ошириш, мазкур соҳанинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатиладиган янги, арзон ва қулай хизмат турларини кўпайтиришдан иборатдир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

Ўз=ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН— ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Аз-Зарнужий ўз нафсига хитоб қилиб, илм йўлида мени тинч қўй, қўймаснг, дангаса ва хорликка ўзини урган нодон кишиларга бор, дейди. Аз-Зарнужий илм йўлида дангасалик қилувчилар ўз ҳаётларида пушаймон бўлишларини ва мақсадига етолмасликларини таъкидлайди.

Аз-Зарнужий кўп гапирмаслик, ўз ҳаётини беҳуда сўзлар билан бекорга ўтказмаслик, айниқса, толиби илмлар гап-сўз ўрнига вақтларини илм олиш ва такрорлашга сарфлаши лозимлиги ҳақидаги Бузургмеҳр ва Ҳазрати Алининг фикрларини келтиради. У Ҳазрати Алининг: «Одамнинг ақли камайган сари беҳуда сўзлари кўпаяди» деган ҳикматини келтириб, бу маънода қуйидаги шеър туғилди, дейди ва ёзади:

Иза тамма ақлу-л-маръи қалла каломуҳу,
Ва айқин би-ҳумуқи-л-маръи ин кона
миксоран.

(Кишининг ақли тўлишган сари сўзи оз бўлади,
Сергап кишини кўрсанг, унинг аҳмоқлигига тўлиқ ишон.)

Олим бу фикрни янада очиб бериш учун мана бу байтини илова қилади:

Ан-нутқу зийнун ва-с-сукуту саломатун,
Фа-иза натақта фала такун миксоран.

(Сўзлаш зийнатдир, жим туриш саломатликдир,
Бас, гапирадиган бўлсанг, сўзинг кўп бўлмасин.)

Демак, фойдали, лўнда ва қисқа, сермаъно гапларни гапириш инсон учун зийнат бўлса, беҳуда гапларни валақлайвермаслик саломатлик гаровидир. Инсон сўзласа, оз сўзлаши, аммо соз сўзлаши керак. Шоир давом этади:

Ма надамта ъала-с-сукути марратан,
Ва лақод надамта ъала-л-каломи мироран.

(Жим туришингга бир марта ҳам пушаймон бўлмайсан,
Сўзларингга эса кўп марта пушаймон бўласан.)

Аз-Зарнужийнинг араб тилида ёзилган бу шеърларининг ўзи унинг шеъриятда баланд поғонада эканлигини кўрсатиб турибди. Бу шеърлар ғоятда сермаъно бўлишидан ташқари, бадиий жиҳатдан пухта ёзилган. Демак, аз-Зарнужий нафақат ажойиб асарлар соҳиби, балки ўз даврининг етук шоири ҳам бўлган.

АЗ-ЗАРНУЖИЙ — ИЛМ ТАРҒИБОТЧИСИ

Аз-Зарнужий ўз устози Бурҳонуддин ал-Марғиноний каби ашаддий илм тарғиботчиси эди. Устоз ва шогирдлар наср ва назм орқали илмнинг фазилатларини кўкка кўтарганлар. Аз-Зарнужий эса талабаларни илмга жалб қилиш, каттаю кичикнинг қалбини илм нури билан мунаввар айлаш учун «Таълим ул-мутаъаллим тариқ ут-таъаллум» («Илм ўрганувчига илм олиш йўлини ўргатиш») номли китобини ёзди.

Аз-Зарнужий асарнинг муқаддима қисмида уни нима сабабдан ёзганини қуйидагича тушунтиради: «Мен кўп толиби илмларни кўрдим, илм олишга жидду жаҳд қиладилар, бироқ унинг фойдалари ва самараларидан ҳеч нарсага етишолмайдилар. Унга амал қилиш ва уни ёйишдан маҳрум қоладилар. Бунинг сабаби шуки, улар бу йўлда хатога йўл қўядилар ва шартларини бузадилар. Кимки йўлни йўқотса, адашади ва кам ҳолда мақсадга эришади. Шунинг учун китобда кўрган, илму ҳикмат эгалари бўлган устозларимдан эшитган нарсаларимни баён қилишни лозим топдим».

Кўриниб турибдики, олим ва шоир толиби илмга илм олиш учун қўлланма ва дастур тузишни ўз олдига буюк мақсад қилиб қўйган. Шарқда бундай мақсадда битилган асарлар кам бўлиб, буюк ватандошимиз узоқ асрлар аввал бу ишни уддалаган. Аз-Зарнужий асарнинг мундарижасини қуйидагича келтиради:

Биринчи фасл — илм, фиқҳ илми ва илмнинг моҳияти баёнида.
Иккинчи фасал — илм ўрганишдаги ният баёнида.
Учинчи фасл — илмни, устозни, шерикни танлаш ва чидамни ихтиёр қилиш баёнида.
Тўртинчи фасл — илмни ва илм аҳлини улуғлаш баёнида.
Бешинчи фасл — қаттиқ ҳаракат қилиш, тинимсиз интилиш ва ғайрат баёнида.
Олтинчи фасл — дарс ўқишни бошлаш, дарс олиш миқдори ва тартиб-қоидалари баёнида.
Еттинчи фасл — таваккул баёнида.
Саккизинчи фасл — дарс ўқиш ва такрорлашнинг вақтлари баёнида.
Тўққизинчи фасл — шафқат ва насиҳат баёнида.
Ўнинчи фасл — илмни танлаш ва истифода қилиш баёнида.
Ўн биринчи фасл — илм ўрганиш жараёнида парҳезга амал қилиш баёнида.
Ўн иккинчи фасл — хотирани ўстирадиган ва унутишни пайдо қиладиган нарсалар баёнида.
Ўн учинчи фасл — ризқни оширадиган ва камайтирадиган, умрни узайтирадиган ва қисқартирадиган нарсалар баёнида.

Мундарижанинг ўзи бу асар толиби илмларга нақадар зарур қўлланма эканини кўрсатиб турибди.

Аз-Зарнужий ҳар фаслнинг баёнида ўз кўрсатмаларидан ташқари, йирик уламоларнинг илм ҳақидаги фикрларини келтиради. Биз бундай кишилардан Муҳаммад алайҳиссалом, Ҳазрати Али, Имоми Аъзам, Муҳаммад ибн Ҳасан, Имом Насириддин Абул Қосим, Имом Шофиъий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Қивомуддин Ҳаммод ибн Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Саффор ал-Ансорий, Суфёён ас-Саврий, Садидуддин Шерозий, Мамсу-л-Аимма Ҳалвоий, Ҳорун ар-Рашид, Маждуддин ас-Сарахсий, Абу Таййиб, Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний, Зулқарнайн, Жолинус, Шарафуддин Укаймий, Қози Халил ибгн Аҳмад ас-Сарахсий, Имом Фахруддин ал-Кошоний, Ибн Аббос, Абул Фатҳ Бустий, Муҳаммад ибн ал-Фазл, Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий кабиларнинг номларини учратамиз.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган







ҚИШ ЗИЙНАТИ ҚОР БИЛАН

Мана ўлкамизда саховатли олтин куз фасли ҳам ниҳоясига етиб кумуш қиш эшик қоқмоқда. Қиш зийнати қор билан, дейдилар. Ҳамюртларимиз эрта тонгдан оппоқ қорни қувонч билан қарши олдилар. Айниқса жажжи болажонларнинг хурсандлигини айтмайсизми... Улар чана, чанғи, коньки учиш иштиёқида қорни орзиқиб кутмоқдалар. Атроф борлиқни буркаган оппоқ қор оқлик, поклик, барака рамзидир. У қалбларимизга ҳам гўё поклик, ҳалолликни сингдиратир. Албатта диёримизда илк бор ёғаётган қор ҳамшаҳарларимизга қишли-қировли кунларга муносиб тайёргарлик кўришни ҳам эслатаётир.

Ҳа,қиш зийнати қор билан. Қалбларимиз, юрган йўлларимизни ҳамиша оппоқ, ойдин қилиб ёғавер, қор!

Теннис

ИРОДА ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

ХИТОЙДА ТЕННИС БЎЙИЧА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА БОШЛАНГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРНИ ҲАМЮРТИМИЗ, ОСИЁ ЧЕМПИОНИ ИРОДА ТЎЛАГАНОВА ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ.

Гап шундаки, ушбу турнирнинг олтинчи рақамли теннисчиси ҳисобланган Ирода Тўлаганова дастлабки учрашувни япониялик Аями Такасога қарши ўтказиб 6/3, 6/2 ҳисобларида ғалаба қозонди.

Ушбу нуфузли турнирда омадини синаб кўраётган яна бир спортчимиз Оқгул Омонмуродовадан эса муваффақият юз ўгирди. Чехиялик катта ракетка устаси Ева Ходинова билан куч синашган Оқгул рақибига 2/6, 3/6 ҳисобларида имкониятни бой бериб қўйди.

АНГЛИЯНИНГ МАНЧЕСТЕР ШАҲРИДА АРМРЕСТЛИНГ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИГА НАВБАТДАГИ МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ.

Армрестлинг

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ КЎПАЙДИ

Спортчиларимиздан Мирзоҳид Шаропов 55 килограмм вазн тоифасида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган бўлса, 60 килограмм вазн тоифасида Умиджон Аҳмедов аввалги чемпионатларда бежизга жаҳон чемпиони бўлмаганлигини рақибларига яна бир карра эслатиб қўйди ва яна жаҳон чемпиони деб эътироф этилди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Жасур Аликперов (75 килограмм) ҳамда Рустам Қодиров (60 килограмм) вазнлар тоифасида муваффақият қозониб кумуш медаллар эгасига айланишди.

Бокс

РУСЛАН — «ОЛТИН КАМАР»ГА ДАЪВОГАР

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ СУПЕРОҒИР ВАЗНИДА ШУ КУНГАЧА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, БИРОР МАРТА ҲАМ МАҒЛУБИЯТ АЛАМИНИ ТАТИБ КЎРМАГАН ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВ ГЕРМАНИЯНИНГ ДЮССЕЛЬДОРФ ШАҲРИДА СОБИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЖОНИ РУИСГА ҚАРШИ «ОЛТИН КАМАР»ГА ДАЪВОГАРЛАР ЖАНГИДА РИНГГА ЧИҚДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йили чемпионлик учун уюштирилган баҳсда Жони Руисдан олтин камарни тортиб олган Николай Валуев ҳам ушбу беллашувни кузатди. Сабаби, ким ғолиб чиқса чемпионлик учун Валуевга қарши рингга кўтарилар эди. Бундан ташқари, мутахассислару мухлислар аксарият жангларида рақибларини техник нокаут билан енга олган Руслан Чагаевнинг имкониятларини юқори баҳолаётган эдилар.

Дарҳақиқат, дастлабки уч раунд давомида Руслан ҳам, Руис ҳам эҳтиёткор бокс намойиш этишди, бир-бирларининг заиф ва кучли жиҳатларини обдон ўрганишди. Бироқ, тўртинчи раунддан бошлаб ташаббусни ўз қўлига олган Руслан Чагаев рақибига аниқ зарбалар бера бошлади ва очколар ҳисобида олдинга ўтиб олди. Ўн биринчи раунддагина бироз ўзини ўнглаб олган Жони Руис томонидан бир-икки марта берилган зарбалар ҳамюртимизни саросимага солиб қўймади. Аксинча, 12-раундда яна яққол устунлик қилган Руслан Чагаев ҳакамлар томонидан ғолиб деб эътироф этилди.

Энди Руслан жаҳон чемпиони Николай Валуев билан «олтин камар» учун кураш олиб боради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

НАДЕЖДАНИНГ МЕДАЛЛАРИ

НОРВЕГИЯНИНГ СТАВАНГИРТ ШАҲРИДА ЎТГАН ПАУЭРЛИФТИНГ БЎЙИЧА КАТТАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЮЗГА ЯҚИН ДАВЛАТДАН КЕЛГАН СПОРТЧИЛАР ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШИШДИ.

Чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси вакиласи Надежда Малюгина 60 килограмм вазнда юқори натижа кўрсатиб, учта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритди. Яна бир ҳамюртимиз Юля Стесенко эса 90 килограмм вазн тоифасида бешинчи ўрин билан кифояланди.

К.ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири

Конун барчага баробар

ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚОЛИБ...

БУГУН МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР УЧУН ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЯРАТИЛГАН. ИШЛА, ДАРОМАД ТОП, БИРОҚ ҚОНУННИ БУЗМА. ТАДБИРКОРГА ТАЛАБ ШУНДАЙ. АЙРИМ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТАРТИБНИ БУЗИБ, ЎЗЛАРИГА ТАШВИШ ОРТТИРИШЯПТИ. ҲУКУМАТ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ШУНИ КЎРСАТЯПТИКИ, БАЪЗИ ФУҚАРОЛАР ТОВАР ОЛИБ КЕЛИШ ВА СОТИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШЯПТИ.

Холбиби Дўлтаева ҳеч қандай ҳужжатсиз 100 та «баклашка»-даги спиртни 240.000 сўмга сотаётган эди. Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмади. Спирт маҳсулоти билан ноқонуний савдо қилган аёлга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилди. Товар олиб қўйилди. Кейин эса суд бўлди. — Аттанг, бундай бўлишини билмабман, — деди афсусда у.

Худди шунингдек, Шоҳсанам Султонова ҳам қилган ишидан пушаймон. У Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 250 шиша «Пшеничная» арағини 150.000 сўмга сотган пайтда ушланди. Экспертиза Шоҳсанам Султоновадан олинган ароқ маҳсулотининг давлат стандартига жавоб бермаслигини исботлаб, истеъмолга яроқсиз деб хулоса берди. Қонунни бузган аёл жаримага тортилди.

Ҳар икки ҳамюртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома йўқ. Устига устак улар юртимизга ноқонуний олиб келинган спирт ва ароқ маҳсулотлари билан савдо қилмоқчи бўлганлар. Табиий савол туғилади. Агар фуқароларимиз ана шу истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни сотиб олишганида нима бўларди?

Албатта, оқибати хунук бўлиши мумкин эди. Тўғри йўл қолиб, қинғир ишга қўл урганлар қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳар биримиз харидор сифатида олаётган маҳсулотимиз сифатлими, ҳужжати борми, дея сўрашни одат қилишимиз керак. Истеъмолчи сифатида бунга ҳаққимиз бор. Қонун ҳам истеъмолчи томонида. Ана шундагина кўнгилсизликлардан ўзимизни асраган бўламиз.

Ойбек ЭРГАШЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, Валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Яккасарой туман бўлими катта суриштирувчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2006 йилнинг 24 ноябридан — 2006 йилнинг 17 декабригача

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошкент Давлат цирки

ЦИРК





ФАҚАТ 9 КУН
КИНГ ВА ЙЎЛБАРСЛАР ҲАВО АТТРАКЦИОНИ
«Оқ қушлар»

Дастурда ўргатилган ҳайвонлар: АЙИҚЛАР, ЧАВОНДОЗ МАЙМУНЛАР, ПАКАНА ОТЛАР ВА ЭШАКЛАР шунингдек, ЖОНГЛЁРЛАР, КЎЗБОЙЛОҒИЧЛАР ВА КУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ

ШОШИЛИНГ! ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! КЕЛИНГ!

Томошалар: шанбада соат 12.00 ва 13.00да, якшанбада, 12.00, 15.00 да, 8 декабрда соат 15.00 да бошланади.
Жадвалда ўзгаришлар бўлиши мумкин.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

2006 йил августда С.Раҳимов туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан Рустам Хисамутдинов номига берилган № 026332 рақамли гувоҳнома ҳамда № 026332 рақамли ҳисобга олиш картаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм .

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Мунажжим башорати

ФАОЛИЯТ ДОИРАНГИЗ КЕНГАЯДИ

22 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БУГУНДАН ТО 22 ДЕКАБРГАЧА ҚУЁШ ЎҚОТАР БУРЖИДА БЎЛИШИ ИНСОНЛАР ФАОЛИЯТ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ, МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕГА ЭГА БЎЛИШ, ҲОКИМИЯТ ВА ОБРЎГА САЗОВОР БЎЛИШ ДАВРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ҲАР ҚАНДАЙ ИШГА ҚЎЛ УРИШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ. ЯНГИ ТАКЛИФЛАР ЖАРАНГЛАЙДИ ВА БИЗ ЎЗ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ҲАҚҚОНИЙ БАҲОСИНИ ОЛАМИЗ.

Бизнесда муваффақият ёр бўлади. Алоқалар кенгаядиган, зарур билимлар, керакли ахборотларга эга бўлинадиган кун бугун. Ҳаётнинг қолоқ, эътиборсиз ташлаб қўйилган соҳаларида муваффақиятга эришиш учун ноёб имкониятлар яратилади.

Бугун бутун астрал қувватни ўзини-ўзи ҳимоялаш, жаҳолатни ирода қувватига айлантириш учун сарфланадиган кун. Аммо муҳим учрашувлар ва ҳужжатларни имзолашдан воз кечинг. Уй пойдеворини кўтариш, таъмирлаш ишлари ёки жойдан-жойга кўчиш, уйни шинам қилиб безатиш хайрли бўлади.

Шамолдан очилиб кетган дераза, дарз кетган кўзгу ёки пойабзалнинг йиртилиши нохушликлардан огоҳлантириш ҳисобланади. Мабодо, исмингизни айтиб сизни бир неча бор чақиришса ёки сизга шундай туюлса, буни самовий кучлар туҳфаси сифатида қабул қилинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ.
офсет усулида босилади.
3962 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 | 6